



O'ZBEKISTON OVOZI

2011-yil, 27-yanvar. Payshanba 12 (31.288) Ijtimoiy-siyosiy gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqarib boshlagan www.uzbekistonovozi.uz

Ирнерио СЕМИНАТОРЕ:

«ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ВА НАТО БИЛАН МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЯНГИ САҲИФАСИНИ ОЧМОҚДА»

Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг Брюсселга ташрифи Европанинг сиёсий, эксперт-таҳлил ва жамоат доираларида катта қизиқиш уйғотди.

Хусусан, Европа халқаро муносабатлар институти Президенти Ирнерио Семинаторе «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири билан суҳбатда Президент Ислон Каримовнинг Европа Иттифоқи ва НАТОнинг нуфузли институтларига ташрифи ушбу нуфузли тузилмаларнинг Ўзбекистон Республикаси билан муносабатларидаги гоят муҳим воқеа бўлганини таъкидлади.

Экспертнинг фикрича, ташриф асосида Президент Ислон Каримовнинг Европа Иттифоқи Комиссияси Президенти Жозе Мануэл Баррозо, ЕИнинг энергетика бўйича комиссари Гюнтер Эттингер ва НАТО Бош котиби Андерс Фог Расмуссен билан учрашув ва музокаралари чоғида Ўзбекистон — ЕИ, Ўзбекистон — НАТО кўп томонлама муносабатларини ривожлантириш истиқболларига оид масалалар юзасидан очиқ ва конструктив тарзда фикр алмашилди.

Ўзбекистон Президентининг ташрифи воқеаларга жуда бой ва самарали бўлди, деб ҳисоблайман. Учрашувлар чоғида муҳокама қилинган мавзулар нафақат икки томонлама муносабатлар, балки Афғонистондаги вазият, Қирғизистондаги аҳвол, томонларнинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш ҳамда терроризм ва экстремизм таҳдидларини бартараф этишдаги ҳамкорлиги масалаларини ҳам қамрагани, менимча, муҳим аҳамиятга эга, — деб таъкидлади И.Семинаторе.

Бельгиялик нуфузли эксперт Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг ташрифи доирасида минтақавий ва глобал хавфсизлик ҳамда энергетика каби стратегик масалаларга тааллуқли қатор муҳим ҳужжатлар имзолангани томонлар ўртасидаги муносабатларда ёрқин иjobий

ўзгаришни яққол намоён этганини қайд қилди.

И.Семинаторенинг сўзларига кўра, Ўзбекистон Президенти Ислон Каримовнинг Брюсселга ташрифи кўп томонлама ва ўзаро манфаатли ҳамкорликнинг ривожланиши учун янги суръат бахш этди.

— Ўзбекистон Афғонистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга салмоқли ҳисса қўшмоқда ва Президент Ислон Каримов ўтказган учрашувларда бу алоҳида қайд қилинди, — деди бельгиялик эксперт. — Шу билан бирга, Ўзбекистон ушбу жафокаш мамлакатда тинчлик ва барқарорликка эришишнинг янги муқобил йўлларини топиш бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурмоқда. Хусусан, Ўзбекистон раҳбарининг БМТ шафъелигида «6+3» мулоқот гуруҳини тузиш тўғрисидаги таклифи алоҳида эътиборга моликдир.

И.Семинаторе Президент Ислон Каримовнинг узоқни кўзлаб юритаётган пухта уйланган, минтақادا тинчлик ва барқарорликни сақлашга қаратилган сиёсати, Ўзбекистон Республикасида иқтисодий ўсишнинг юксак суръатларини барқарор сақлаб туришдаги муваффақиятлари, иқтисодиётни эркинлаштириш ва фуқаролик жамияти ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари алоҳида муҳим аҳамиятга эга экани халқаро жамоатчилик томонидан юксак баҳоланишини таъкидлади.

Суҳбат якунида И.Семинаторе Президент Ислон Каримовнинг Брюсселга ташрифи Ўзбекистон билан ЕИ ва НАТО ўртасидаги ўзаро англашувни мустаҳкамлаш ва самарали ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилишини қайд этди.

Фракция фаолияти



Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Депутатларнинг вазифалари

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиқади

Фракция аъзолари Президентимизнинг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама этишди.

Бунда энг асосий эътибор мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан юксалиб бораётганига қаратилди. Партиямиз депутатлари, аввало, маърузада айрилган фикрлар, илгари сурилган ҳақиқатларни кенг жамоатчилик орасида тушултириш ишларини изчил олиб боришлари зарурлиги таъкидланди.

— Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози наманам деган давлатларни ҳам довларатиб қўйди, — дейди фракция аъзоси Абдуманноб Рахимов. — Шундай шароитда мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсиши

таъминланапти. Бу ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ, албатта. Президентимиз узоқни кўзлаб, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ҳаётига дахлдор энг муҳим масалаларни тажрибага асосланиб, илмий-назарий, амалий жиҳатларни ҳар томонлама ҳисобга олиб илгари сураётган ҳақиқатлар бунга замин яратмоқда.

Давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган йиғилишида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишларини танқидий баҳолаб, 2011 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларини кўрсатиб берди. Бу биз депутатлар зиммасига ҳам катта вазифалар юқлайди.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиёт талабларидан келиб чиқиб қонуларимизни янада такомиллаштириб боришимиз, мамлакатимиздаги бунёдкор ўзгаришларда ҳар бир фуқаро фаол иштирок

этишини таъминлайдиган ҳуқуқий механизмларни кучайтиришимиз зарур. Бунинг учун ҳаётимизнинг барча жаҳалларини чуқур таҳлил этиб бориш талаб этилади.

— Президентимиз юртимизда оилаларнинг сифатли ва узоқ муддат фойдаланадиган истеъмол товарлари билан таъминланиш даражаси сезиларли равишда ошганини алоҳида таъкидлади, — дейди фракция аъзоси Маждидхон Усмонов. — Бугунги кунда ҳар 100 та оилага ўртача 132 та телевизор, 99 та ҳолодильник, 18 тадан зиёд кондиционер, 27 та шахсий компьютер, 27 тадан ортиқ енгил автомобиль тўғри келаётгани барчамизни қувонтиради, албатта. Шу билан бирга, мамлакатимиз раҳбари 100 та оилага 100 та автомобиль тўғри келсин, деб умид ва ишонч билан гапирганида залда гулдор қарсаклар янгради. Бу Юртбошимиз нафақат мажлисда иштирок

этаётганлар, балки бутун халқимизнинг қалбидаги сўзларни айтганидан далолат беради.

Бемалол айтиш мумкинки, автомобили бор оила албатта ўзига тўқ оиладир. Шунинг учун Президентимиз белгилаб берган вазифаларни сўзсиз бажариш мамлакатимиздаги ҳар бир оиланинг фаровонлигини таъминлашга хизмат қилишини унутмаслигимиз зарур. Фаолиятимиз давомида ҳар бир депутатга ва фракциямизга берилган вазифалардан фойдаланиб, парламент сўрови, парламент эшитиш, назорат-таҳлил фаолияти каби парламент назорати шакллари билан самарали фойдаланган ҳолда 2011 йилга белгиланган вазифаларнинг бажарилишини назорат қилишимиз керак. Бу бир вақтнинг ўзига партиямиз электорати манфаатларини таъминлашга ҳам хизмат қилади.

⇒ 2

Эътироф

Ўзбекистон Европа Иттифоқи учун Марказий Осиёда тинчлик ва хавфсизликни таъминлашдаги энг фаол шерикка айлиб бормоқда. Афғонистон минтақанинг узоқ йиллик нотинч нуқтаси бўлиб келди. Бу ерда осойишта ҳаёт тарзини қайта тиклашда Президент Ислон Каримовнинг саъй-ҳаракатлари юксак аҳамиятга эга. У илгари сураётган «6+3» мулоқот гуруҳини тузиш ташаббусини Афғонистонда барқарор сиёсий вазият шакллантиришнинг кафолатларидан бири дея баҳолаш мумкин».

Георги ГОТЕВ,
Халқаро сиёсий шарҳловчи
(Болгария)

Ҳиммат

Янги спорт мажмуаси

Паркент туманида замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган, барча шарт-шароитга эга спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди. Мазкур мажмуа тумандаги «Раҳим-жон» фермер хўжалигининг ҳомийлик ёрдамида қуриб битказилди.

Мажмуани зарур спорт анжомлари ва жиҳозлари билан таъминлашда Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ташкент вилояти филиали яқиндан ёрдам берди.

Янгилик



Асака автомобиллари

«GM-Ўзбекистон» ёпиқ акциядорлик жамияти ўтган йили 217 минг 733 дона замонавий автомобиль ишлаб чиқарди.

80 минг 995 дона автомобиль экспорт қилинди. Бу «Нексия», «Ласетти», «Матиз», «Дамас»нинг хорижда ҳам харидорлари кўпайганидан далолатдир.

Асака автомобиль заводида ўтган йили ишлаб чиқариш йўлга қўйилган «Шевролет» русумидаги «CHEVROLET SPARK» ҳам ички ва ташқи бозорда ўз ўрнини топапти. Унга талабдорлар кундан-кунга кўпаймоқда.

Автомобилсозлар Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида янада унумли ишлашга ҳаракат қилмоқда.

O'zbekiston havo yo'llari



Хизматлар лицензияланган

КИЧИК БИЗНЕС ва хусусий тадбиркорлик

билан шуғулланаётган кишилар манфаатини ҳимоя қилишни зиммасига олган **ЎзЛиДеПнинг** Наманган туманидаги фаоллари ва депутатлари ўз ваъдаларини ҳам, бурчларини ҳам **унутганга ўхшайди** ⇒ 2

Муносабат

Юксак ишонч ва ғамхўрлик

катта масъулият ҳамда янада фаолликни талаб этади

Мамлакатимизда таълим ислохотлари кенг кўламда амалга оширилиши натижасида мактабларимизнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, ёш авлодга таълим-тарбия бериш самарадорлиги яхшиланди. Мен ишлаётган мактаб ҳам тўла таъмирланди, фан хоналари ва лабораториялар замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди, кўргазмалар ўқув куроллари, электрон дарсликкача таъминланди.

Ўқитувчиларимизга астойдил ишлаш ва иқтидорларини намоён этишларига барча шароитлар яратилди. Ўзим Юртбошимизнинг «Юксак маънавият — енгилмас куч» асарини ўрганиш бўйича услубий тавсияларим, «Умумтаълим мактабларида миллий ғоя ва маънавият асослари фанини ўқитишнинг замонавий технологиялари» ўқув қўлланма амалиётда фойдаланилаётганидан руҳланиб, бу соҳада тадқиқотларимни давом эттиряяман. Лекин Президентимизнинг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида келтирилган маълумотларни қайта-қайта ўқир эканман ўз-ўзимга савол бердим: «Биз таълим соҳасини ривожлантириш

га, ўқувчи-мураббийларга кўрсатилаётган ғамхўрликларга муносиб фаолият юритяпмизми?»

Маърузада таъкидланганидек, охириги беш йил ичида 7800 дан ортиқ умумтаълим муассасаси, 1500 га яқин коллеж ва лицей барпо этилди ёки тубдан реконструкция қилинди. Уларнинг барчаси замонавий ўқув жиҳозлари билан таъминланди. Биргина ўтган йилда ўқув муассасаларига 2300 дан зиёд компьютер техникаси ва мультимедиа ускунаси ўрнатилди. Жорий йилда «Электрон таълим» миллий тармоғини барпо этиш ниҳоясига етказилиши айтилди. Умуман, жорий йилда Давлат бюджети барча ҳаражатларининг

60 фоизи ижтимоий мақсадлар учун йўналтирилади. Жумладан, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси учун ана шу ҳаражатларнинг 48 фоизи сарфланиши белгиланган. Ушбу соҳа ходимларининг иш ҳақи жорий йилда камида 25 фоизга оширилиши режалаштирилган. Таълим соҳасини ривожлантиришга кўрсатилаётган бундай ғамхўрликларга муносиб меҳнат билан жавоб беришимиз кераклигини чуқур англаб туришимиз.

Биз ўқитувчи-мураббийларга Ватанимиз келажаги бўлган ўқувчилар таълим-тарбияси ишониб топширилган, самарали меҳнат қилишимиз, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишимиз учун барча шароитлар яратиб бериляпти. Шундай экан, ҳар биримиз Ватан, келажақ олдидаги масъулиятни чуқур ҳис қилиб, виждонан ишлашимиз, мўлжалланган дастурий вазифаларни бажаришга муносиб ҳисса қўшишимиз керак.

Саида АҲМАДАЛИЕВА,
Наманган шаҳридаги
60-мактаб ўқитувчиси,
«Шуҳрат» медали соҳиби.

Муҳим сана

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» мамлакатимиз фахри ⇒ 2

Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон

Синовлардан ўтган ҳамкорлик ⇒ 3

Электорат манфаати

Пенсия ва нафақа пуллари талон-торож қилинганлиги ҳақида ⇒ 4

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MARKAZIY BANKINING 2011 YIL 25 JANVARDAN BOSHLAB HORIJIVYALYOTALARINING S'UMGA NISBATAN BELGILAGAN QIYMATI

1 Австралия доллари	1630,20	1 Миср фунти	284,24	1 СДР	2566,40	10 Жанубий Корея вони	14,73
1 Англия фунт стерлинги	2635,57	1 Канада доллари	1661,14	1 Туркия лираси	1048,95	1 Япония иенаси	199,47
1 БАА дирҳами	449,51	1 Хитой юани	250,77	1 Швейцария франки	1720,34	1 Россия рубласи	55,01
1 АҚШ доллари	1650,84	1 Малайзия ринггити	540,11	1 Евро	2213,36	1 Украина гривнаси	207,82

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Фракция фаолияти

Депутатларнинг вазифалари

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларидан келиб чиқади

(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Биз, айниқса, ижтимоий соҳага ажратилаётган давлат бюджет...

— Президентимиз 2010 йилда мамлакатимизда 950 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилган...

«Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»...

«Тугатишга доир иш юритишнинг айрим тартиб-қоидаларини ўтказиш мuddатларини тезлаштиришга йўналтирилган...

«Ижтимоий ривожланиш, биринчи навбатда, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш...



ЎзХДП ҳаёти

Ёшлар билан учрашув

«Ижтимоий ривожланиш, биринчи навбатда, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш...

Дарҳақиқат, таълим соҳасини янада ривожлантириш, ёшларга янада кенг имконият яратиш масалалари давлатимизнинг алоҳида эътиборида...

ришлар ҳақида маълумот беришди. — Жорий йилда ҳам Давлат бюджетининг 60 фоизи ижтимоий соҳага ажратилади...

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

билан шуғулланаётган кишилар манфаатини ҳимоя қилишни зиммасига олган ЎзЛиДеПнинг Наманган туманидаги фаоллари ва депутатлари ўз ваъдаларини ҳам, бурчларини ҳам унутганга ўхшайди

■ Наманган туманининг Тепакўрғон қишлоғида 15 минг 790 нафар аҳоли истиқомат қилади. Бу жойнинг номи айтилса, вилоятнинг бошқа ҳудудларидан яшайдиганлар ҳам дарров «ҳов, тўқувчилар қишлоғи-да», дейишади.

— Депутатлар билан учрашув бўлмаганими? — Ҳа, учрашади, — дейди ҚФЙ котиби. — Эсларида қолмаган бўлса керак-да.

— Узим деҳқончилик билан шуғулланаман, уйда онам, турмуш ўртоғим ва синглим бўлмоқчи бўлишимиз бор. Бир кунда 5 тагача рўмол тўқишади.

бўшаб кетган. (Ҳар қалай, депутатликдан эмас. — изоҳ бизники) Шундан буён умуман келмайди. Ҳужжатлари учун «папка» очгандик, янгилаб келаман деб олиб кетганича дарағи йўқ. Вилоят Кенгаши депутати Абдуғаффор Турсунов ҳақида туман ҳокимлигидан сўрайсиз», дейишди.

— Одамларимиз ангор эчкиси жундан рўмол ва камзуллар тўқишади, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Исмоилжон Абдуллаев. — Илгарилари ҳам қишлоқдаги айрим хонадонларда тўқув дастохлари бўлган. Лекин юртимизда хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилиб, хунармандчилик билан шуғулланиш имконияти яратилган, тўқув дастохлари деярли ҳар бир хонадонга кириб бори.

минг сўмдан сотиб оламиз. 1 кило жундан битта катта (1,5 x 1,5), иккита кичик (1x1) хажмли рўмол чиқади. Бир кунда каттасидан 1 та, кичигидан 2 тани тўла тўқиб битказамиз. Рўмоллар тайёр бўлгач, 12 минг сўмдан 25 минг сўмгача пул тўлаб олиб кетишади.

— Сайловда овоз берган депутатларингизга мурожаат қилсангиз-чи? — Депутат? Рости гап, депутатни танимайман.

Қишлоқ фуқаролар йиғини идорасига қайтиб, билдикки, ҳудуддан туман Кенгашига 2 нафар, вилоят Кенгашига бир нафар депутат сайланган. 7-Тепакўрғон сайлов округидан туман Кенгаши депутати Зокиржон Нурдиннов, 8-Қирғизкўрғон сайлов округидан Тоҳиржон Долиев, 34-Тепакўрғон сайлов округидан вилоят Кенгаши депутати Абдуғаффор Турсунов. Уларнинг учаласи ҳам номзоди ЎзЛиДеПдан кўрсатилган депутатлардир.

— Ҳа, учрашади, — дейди ҚФЙ котиби. — Эсларида қолмаган бўлса керак-да. — Узим деҳқончилик билан шуғулланаман, уйда онам, турмуш ўртоғим ва синглим бўлмоқчи бўлишимиз бор. Бир кунда 5 тагача рўмол тўқишади.

Биз хонадонларга бориб, тўқувчилар билан юзма-юз учрашиш истagini билдирдик. Қишлоқ фуқаролар йиғини котиби Ниёзхон Узоқова бизга ҳамроҳлик қилди. Унинг айтишича, қишлоқда етти та маҳалла фуқаролар йиғини мавжуд. Уларнинг ҳаммасида тўқувчилик рўзғор юритишнинг асосий манбаи. 6 та хонадонда жун титиш цехи жойлашган. Асосий хонада шибобанган ангор эчкисининг жуни Поп туманидан келтирилади ва яна ўша томондан келган кишилар тайёр рўмолларни йиғиб олиб кетади ҳамда харидорларга етказиб беришади...

— Уйга жун титиш дастохи ўрнатиб, тадбиркорлик билан шуғуллана бошлаганимга 6 йилдан ошди, — дейди хонадон соҳибни Абдуобанно Матқулов. — Маҳалладошларимиз ювиб тозаланган, кўнда титилган жунни олиб келишади. Бир кунда 10 килогача жунни йиғиришга тайёр қилиб берамиз.

— Сайловда овоз берган депутатларингизга мурожаат қилсангиз-чи? — Депутат? Рости гап, депутатни танимайман.

Қишлоқ фуқаролар йиғини идорасига қайтиб, билдикки, ҳудуддан туман Кенгашига 2 нафар, вилоят Кенгашига бир нафар депутат сайланган. 7-Тепакўрғон сайлов округидан туман Кенгаши депутати Зокиржон Нурдиннов, 8-Қирғизкўрғон сайлов округидан Тоҳиржон Долиев, 34-Тепакўрғон сайлов округидан вилоят Кенгаши депутати Абдуғаффор Турсунов. Уларнинг учаласи ҳам номзоди ЎзЛиДеПдан кўрсатилган депутатлардир.

— Ҳа, учрашади, — дейди ҚФЙ котиби. — Эсларида қолмаган бўлса керак-да. — Узим деҳқончилик билан шуғулланаман, уйда онам, турмуш ўртоғим ва синглим бўлмоқчи бўлишимиз бор. Бир кунда 5 тагача рўмол тўқишади.

— Уйга жун титиш дастохи ўрнатиб, тадбиркорлик билан шуғуллана бошлаганимга 6 йилдан ошди, — дейди хонадон соҳибни Абдуобанно Матқулов. — Маҳалладошларимиз ювиб тозаланган, кўнда титилган жунни олиб келишади. Бир кунда 10 килогача жунни йиғиришга тайёр қилиб берамиз.

— Уйга жун титиш дастохи ўрнатиб, тадбиркорлик билан шуғуллана бошлаганимга 6 йилдан ошди, — дейди хонадон соҳибни Абдуобанно Матқулов. — Маҳалладошларимиз ювиб тозаланган, кўнда титилган жунни олиб келишади. Бир кунда 10 килогача жунни йиғиришга тайёр қилиб берамиз.

— Уйга жун титиш дастохи ўрнатиб, тадбиркорлик билан шуғуллана бошлаганимга 6 йилдан ошди, — дейди хонадон соҳибни Абдуобанно Матқулов. — Маҳалладошларимиз ювиб тозаланган, кўнда титилган жунни олиб келишади. Бир кунда 10 килогача жунни йиғиришга тайёр қилиб берамиз.

— Уйга жун титиш дастохи ўрнатиб, тадбиркорлик билан шуғуллана бошлаганимга 6 йилдан ошди, — дейди хонадон соҳибни Абдуобанно Матқулов. — Маҳалладошларимиз ювиб тозаланган, кўнда титилган жунни олиб келишади. Бир кунда 10 килогача жунни йиғиришга тайёр қилиб берамиз.

— Уйга жун титиш дастохи ўрнатиб, тадбиркорлик билан шуғуллана бошлаганимга 6 йилдан ошди, — дейди хонадон соҳибни Абдуобанно Матқулов. — Маҳалладошларимиз ювиб тозаланган, кўнда титилган жунни олиб келишади. Бир кунда 10 килогача жунни йиғиришга тайёр қилиб берамиз.

Хорижда Моддий аҳволи ёмонлашгани сабабли Буюк Британиянинг «Би-Би-Си» телетармоғи албан, серб, македон, португал ва инглиз тилларида хабар узатувчи беш бўлимини ётди.

Намойишлар авж олаётир Миср пойтахтининг марказий кўчалари президент ва ҳукумат аъзолари истеъфога чиқиши талаб этилган широларга, намойишчиларга тўла. Полиция тартибсизликни бартараф этиш учун кўздан ёш оқизувчи қуролдан фойдаланмоқда. Мутахассислар тартибсизлик Тунис сценарийини бўйича давом этаяётганини, намойишлар тобора авж олиб, хавфли кўриниш касб этаяётганини таъкидлаётди.

«Ақлли» кўзойнак Фин олимлари «ақлли» кўзойнакни иختиро қилишди. У зоҳиран кўш нуридан ҳимояловчи қора кўзойнакка ўхшайди. «Ақлли» кўзойнакни таққан одам қаршидаги суҳбатдошининг исми, ёши, шахсий ҳаёти ва қизиқишлари ҳақида маълумотга эга бўлади. Мини дисплей ойнакнинг ички қисмига ўрнатилган — унда намоён бўлувчи ёзув ва белгилар ташқаридан сезилмайди.

Парранда гриппи яна хавф солмоқда Япониядаги айрим фермаларда инсон ҳаётига хавф солувчи ЭИЧ5-Эн1 штаммининг парранда гриппи вируси мавжудлиги аниқланди.



Фавқулодда ҳолат эълон қилинди Австралияда содир бўлган қучли сув тошқини кўп талафот етказди, ҳозир мамлакатнинг аҳоли зич жойлашган Янги Жанубий Уэльс ва Квинсленд штатларида фавқулодда ҳолат эълон қилинди.

Курилма иختирочилари бўлмиш бир гуруҳ Хелсинки институти олимлари бу янгилик омаллашиб кетишига шубҳа қилмаяпти. Улар кўзойнак ишлаб чиқарувчи йирик компаниялар билан аллақачон битим имзолашган.

Маълумот ўрнида шунини айтиш жоизки, 2003 йилдан буён бу хавфли иллат дунё бўйича икки юз эллик киши умрига зомин бўлди.

Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон

Синовлардан ўтган ҳамкорлик

■ Европа Иттифоқининг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни алоҳида эътиборга молик. Дунёда ишлаб чиқариладиган умумий ички маҳсулотнинг 28 фоизи Иттифоқ ҳисобига тўғри келади. Унинг жаҳон савдо айланмасидаги экспорт-импорт улуши эса 20 фоиз, яъни 4 011.357 млн. еврога тенгдир. Дунёдаги энг катта даромадга эга деб эътироф этилган 500 та йирик компаниянинг 161 таси Европа Иттифоқида жойлашган.

Ўзида 27 та давлатни бирлаштирган, аҳолиси жиҳатидан Хитой ва Хиндистондан кейинги учинчи, ер майдони жиҳатидан эса, дунёдаги еттинчи ўринда бўлган Европа Иттифоқи ташкилоти ва унинг аъзо давлатлари билан кўп томонлама ва икки томонлама алоқалар мамлакатимиз ташқи сиёсатининг асосий йўналишларидан ҳисобланади. Биринчидан, Европа Иттифоқининг илгор давлатлари (Буюк Британия, Германия, Италия, Франция) Ўзбекистон учун юқори технологиялар манбаидир. Самолётсозлик, машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, фармацевтика, қурилиш ва умуман, ишлаб чиқаришнинг барча соҳаларига энг замонавий Фарб технологияларини жалб этиш республикаимизда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчидан, Европа Иттифоқи ўзининг барча аъзо давлатлари билан бир бутунлиқда Ўзбекистоннинг тайёр ва хомашё маҳсулотлари учун МДҲдан кейинги энг катта истеъмол бозорини ташкил қилади. Шунингдек, Фарбий Европа савдо-сотиқ соҳасида мамлакатимизнинг энг асосий ҳамкори бўлиб қолмасдан сарможаларнинг асосий манбаидир. Мустақилликдан кейинги дастлабки йиллардаёқ, хоржий Ўзбекистон сармояларини мамлакатимизга жалб этиш масаласига катта эътибор қаратилиб, улар учун қулай инвестициявий иқлим яратиш келимкоқда.

Ҳамкорлигимизнинг яна бир муҳим жиҳати — бу минтақавий ва глобал хавфсизликни сақлаш ҳамда таъминлаш масаласи билан боғлиқ. Халқаро терроризм, наркотиқ бизнес, экстремизм ва бошқа кўринишдаги транснационал таҳдидларга қарши кураш ва минтақавий барқарорликни таъминлашдан ҳар икки томон бирдек манфаатдор. Ўзбекистон Республикаси Президентини таъбири билан айтганда, «Ҳамкорлигимизнинг мақсади битта — Европа ва Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, эркин бозор муносабатларини кенгайтириш, демократик қадриятларни ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини кафолатлаш, фуқароларимизнинг муносиб ҳаёт кечириши учун зарур шароит яратилган иборатдир».

Ўзбекистон билан кенг жабаҳли ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш Европа Иттифоқи ва унинг аъзо давлатлари учун ҳам айна мудиодир. Хусусан, Европа Иттифоқи Комиссияси ўзининг 1995 йилда қабул қилинган «Марказий Осиёнинг янги мустақил давлатлари билан алоқалар тўғрисида Коммуникация»сида бу ҳақда алоҳида тўхталиб ўтади. Коммуникацияда «Иттифоқ Марказий Осиёда муҳим манфаатларга эга. Бу манфаатлар ҳам иқтисодий, ҳам геосиёсий аҳамият касб этади. Айниқса, мазкур минтақани хизматлар, турли жиҳозлар ва сармоца билан таъминлаб турувчи Европа Иттифоқи, айни вақтда, минтақадан қувватчи энергетика маҳсулотларининг сезиларли имкониятларга эга бўлган истеъмолчи ҳам эканлигидан келиб чиқиб, бу ҳудудда энергетика секторининг ривожланишидан алоҳида манфаатдорлиги»

қайд этилади. Кейинчалик Европа Иттифоқи Кенгаши томонидан 2007 йилнинг 30 майда қабул қилинган «Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё: Янги шерикчилик учун стратегия» деб номланган ҳужжатда Европа Иттифоқининг минтақадagi стратегик манфаатлари янада яққол ифода этилган.

Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон муносабатлари ана шундай ўзаро тенг манфаатдорлик асосида қарор топди. 1991 йил 31 декабрда «Ўн иккиларнинг қўшма декларацияси» билан Европа ҳамжамиятлари ва уларнинг ўша пайтдаги 12 та аъзо давлати Ўзбекистон Республикаси давлати мустақиллигини эътироф этди. 1992 йил 15 апрелда Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ва Европа ҳамжамиятлари Комиссияси ўртасида ўзаро ағлашув меморандуми имзоланди. 1994 йил 16 ноябрда томонлар ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Ўзбекистон Республикасининг Европа ҳамжамиятлари қошидаги Миссияси 1995 йил 6 майдан эътиборан Брюссель шаҳрида ўз фаолиятини бошлади. 2002 йил октябрда эса Европа Иттифоқи Комиссиясининг мамлакатимиздаги фаолиятини амалга ошириш ва бошқаришни қўллаб-қувватлаш мақсадида Европа ҳамжамиятларининг ўзбекистондаги дипломатик ваколатхонаси вази-фасини вақтинча бажариб турувчи «Европа Уйи» Тошкентда ўз фаолиятини бошлади.

Европа Иттифоқи ҳамда унинг аъзо давлатлари билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида кўп томонлама дипломатик алоқаларнинг ўрнатилиши томонлар орасидаги иқтисодий, сиёсий, маданий, илмий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг ривожланиши учун замин яратди.

Ўтган йиллар давомида ўзаро алоқаларнинг шартномавий-ҳуқуқий асослари ҳам шаклланиб ва мустаҳкамланиб борди. 1996 йил 21 июнда Флоренциянинг (Италия) «Фортезза де Бассо» калъасида бўлиб ўтган Европа Иттифоқи аъзо давлатларининг давлат ва ҳукумат раҳбарлари даражасидаги навбатдаги олий саммитида Европа ҳамжамиятлари ва уларнинг аъзо давлатлари билан Ўзбекистон Республикаси ўртасида «Ўзбекистон Республикаси, бир томондан, ва Европа ҳамжамиятлари ҳамда уларга аъзо давлатлар, иккинчи томондан, ўртасида шерикчилик таъсис этувчи Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим» имзоланди. Битимни имзолаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Президентини ушбу шартнома Европа Иттифоқи ва мустақил Ўзбекистон муносабатларида янги бурилиш нуқтаи бўлиб хизмат қилиши ҳамда ёш давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун кенг имкониятлар очилиши таъкидланди: «Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасида Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимнинг имзоланиши — шубҳасиз, муносабатларимизнинг янги, ҳал қилувчи босқичга чиққанини исботловчи муҳим воқеадир».

Ҳозирги кунда Шериклик ва ҳамкорлик битими Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасида имзоланган ўнга яқин бошқа битимлар билан биргаликда амал қилиб келмоқда. 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг икки томонлама муносабатлар ривожини, айниқса, янгиҳа тус олди. Европа Иттифоқи Марказий Осиёнинг стратегик аҳамияти ва минтақадagi барқарорликни таъминлашда Ўзбекистоннинг ҳал қилувчи мавқеини тушуниб этди. Шундан келиб чиққан ҳолда, 2001 йилнинг 8-9 ва 17 октябрда бўлиб ўтган Европа Иттифоқининг Люксембург Кенгаши ва 19 октябрдаги Гент саммити ташкилотнинг Марказий Осиё давлатлари билан алоқаларини кучайтиришни зарур деб топди. 2002 йил 29 январда Брюссель шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон — Европа Иттифоқи ҳамкорлик кенгашининг учинчи мажлисида Марказий Осиё давлатларига қаратилган ТАСИС дастурининг бюджетини 25 млн.дан 50 млн.га, яъни икки ҳиссага кўпайтирилганлиги ташкилот вакиллари томонидан расман маълум қилинди. Шунингдек, бу мажлисда минтақа мамлакатлари, айниқса, Ўзбекистон билан алоқаларга устувор мавқе бериш, сиёсий, транспорт, энергетика, савдо, инвестиция соҳаларидаги ҳамкорликни янада кучайтириш лозимлиги таъкидланди.

Икки томонлама муносабатларда иқтисодий ва савдо-сотиқ алоқалари энг устувор йўналиш ҳисобланади. Ўзбекистоннинг Европа Иттифоқи ва унинг аъзо давлатлари билан савдо алоқалари катта салмоқни ташкил этади. Икки томонлама савдо алоқаларининг умумий ҳажми 1993 йилда 545 млн., 2006 йилда 1.1 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 1 млрд. 759 млн. АҚШ долларига этди. Ундаги Германия, Буюк Британия, Франция, Италия каби йирик давлатларнинг салмоқли улуши сақланиб қолаётган бўлса-да, Кипр, Чехия, Словения, Эстония, Польша каби Европа Иттифоқи янги аъзо давлатларининг улуши ортиб бораётганлиги қувонарли ҳолатдир. Европа экспорти маҳсулотларининг асосий қисmini электр жиҳозлари ва машиналар, қишлоқ хўжалиги ва пластик материаллар ташкил этса, Ўзбекистон экспортининг катта улуши тўқимачилик маҳсулотлари ва қимматбаҳо металлдан иборат.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда Европа Иттифоқи давлатларининг 821 та корхонаси, жумладан, 612 та қўшма корхона ва 100 фоиз Европа маблағи асосида ташкил этилган 209 корхона фаолият қилмоқда. Иттифоқ мамлакатлари 275 та компаниясининг ваколатхоналари юрти-мизда тегишли тартибда аккредитациядан ўтган. Қисқача қилиб айтганда, Ўзбекистон — Европа Иттифоқи иқтисодий ва савдо муносабатлари бир маромда ривожланиб келмоқда. Томонлар орасидаги товар айирбошлаш ҳажми ўтган 20 йил ичида салкам тўрт баробарга кўпайди. Бироқ айни томонлама савдо алоқаларининг имкониятлари чексиздир. Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон алоқалари минтақаларо миқёсда ҳам ривожланиб бормоқда. Ўзбекистон Европа Иттифоқининг БОМКА (Чегара ҳудудларида хавфсизликни таъминлаш), КАДАП (ғиёвханд моддаларга қарши курашиш), ТРАСЕКА (транспорт), ИНОГЕИТ (энергетика), ТЕМПУС (таълим), ИНТАС (фан ва тадқиқот) каби минтақавий дастурларда иштирок этмоқда. Ўзбекистон 2004 йилда Европа Иттифоқи ташаббуси билан ташкил этилган «Европа Иттифоқи — Марказий Осиё» минтақаро мулоқот раунди аъзосидир. Бундай турдаги мулоқот-

лар минтақавий муаммоларни ҳал қилишда муҳим аҳамиятга эгадир.

Энг аҳамиятли жиҳати шундаки, охири йилларда Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон муносабатларида жадал ривожланиш кузга ташланмоқда. Ўзаро муносабатлар мураккаб синовлар даврини босиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 24-25 январь кунлари Европа Иттифоқи Комиссиясининг раиси Жозе Мануэл Баррозо тақлифига биноан ташкилотнинг бош қароргоҳи — Брюсселга ташрифи икки томонлама муносабатлар тадрижга янгиҳа мазмун бахш этди ва ҳамкорлик сарҳадларини янада кенгайтирди.

Мамлакатимиздаги барқарор сиёсий ва иқтисодий ривожланиш, ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлидаги бирдамлик ва янги марралар, глобал ва минтақавий муаммоларни ҳал этиш йўлидаги давлатимиз раҳбарининг аниқ ва дадил ташаббуслари, умуман, қўлга киритилган барча муваффақиятларимиз европалик ҳамкорларимизнинг бундан ўн йил аввалги қарашларини тубдан ўзгартириб юборди. Глобал ва минтақавий муаммоларни ҳал этишда томонларнинг ўзаро ағлашув ва тушуниш асосидаги қарашлари тобора яқинлашиб бормоқда.

Фикримиз исботи сифатида қуйидагиларни келтириб ўтиш мумкин. Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш борасида Европа Иттифоқи 2010 йилнинг июнь ойида Қирғизистон жанубида рўй берган воқеаларга муносабат билдириб, 2010 йил 25 октябрда бўлиб ўтган Европа Иттифоқи Ташиқ ишлар бўйича кенгашининг 3041-мажлисида Ўзбекистон Ҳукуматининг гоят ваэмин ва оқилона ёндашуви юқори баҳолади. Давлатимиз раҳбарининг жаҳон ҳамжамиятига йўлаган қаҳриқларига жавобан, Иттифоқнинг Ташиқ ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича олий вакили Кэтрин Эштон 2010 йил 18 декабрда Брюсселдаги ўз баёнотида Қирғизистондаги демократик исплоқотлар учун Иттифоқнинг тайёригилни билдирди. Учрашув чоғида Ж.Баррозо Ўзбекистон Ҳукуматининг Қирғизистон жанубидаги можароларни бутун минтақа бўйлаб ёйилишини олдини олишга қаратилган ва узқони қўзлаган сиёсатини яна бир бор алоҳида эътироф этди.

Европа Иттифоқи Орал фожиаси, Оралбўйи минтақасининг экологик, ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммоларга нисбатан ҳамда Орал денгизининг ҳаётбахш манбалари — Амударё ва Сирдарё сувлари-дан оқилона фойдаланиш, жумладан, гигант ГЭСлар ўрнига те-жамкор ва илҳам энергия манбаи қуриш тақлифини илгари сураётган Ўзбекистон Республикаси раҳбариятининг расмий муносабатига ўз хайрихоглигини билдириб келмоқда. Хусусан, Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Пьер Морель 2010 йил 1 ноябрда «Deutsche Welle» газетасида берган сўрабатида Рогул ГЭСининг қурилиши лойиҳаси бўйлаб халқаро экспертиза ўтказиши-ни ёқлаб чиқди ва мазкур ваэи-дларга қарши курашиш, ТРАСЕКА (транспорт), ИНОГЕИТ (энергетика), ТЕМПУС (таълим), ИНТАС (фан ва тадқиқот) каби минтақавий дастурларда ишти-рок этмоқда.

Ҳайдарали ЮНУСОВ, юридик фанлар номзоди, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети катта ўқитувчиси, сиёсатшунос.

текширув комиссиясининг иш бошлаганини олқишлайман». Кўриниб турганидек, бу борада ҳам Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон қарашлари ҳамохандир. Глобал ва минтақавий хавфсизлик тизимининг энг заиф нуқтаси бўлиб қолаётган Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ва барқарор тараққиётга йўл очиш борасида ҳам манфаатлар уйғунлиги ва ўзаро изчил ҳамкорликни кучайтириш истаги яққол намойён бўлмоқда. «Независимая газета»нинг 2009 йил 10 январь сонида эълон қилинган Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Пьер Морелнинг интервьюсида таъкидланганидек, «Афғонистон ҳақида ўйлаганда дарҳол гап Эрон ёки Покистон ҳақида кетади, бироқ унинг шимолӣ қўшинлари Ўзбекистон, Тожикистон ва Туркменистон ҳақида озорқ гапирмайиз. Биз барчиси Афғонистонда ҳал қилишмиз лозим бўлган мураккаб ваэифа қаршисида турибмиз ва бу масалада ўзаро маслаҳатлашувларимизни ривожлантириб келмоқдамиз. Бунда Европа Иттифоқининг Марказий Осиё мамлакатлари билан сиёсий мулоқотлари муҳим омилдир». Эсла-тиб ўтиш жоизки, Европа Иттифоқи Афғонистонда тинчлик ўрнатиш ва мамлакат иқтисодиёти-ни тиклаш ишига энг катта улуш қўшаётган хомий ташкилотдир. У 2010 йилда бўлиб ўтган Афғон муаммосига бағишланган Кобул ва Лондон халқаро конференцияларининг ташкилотчиси сифатида майдонга чиқди. 2002 йилдан бери Иттифоқнинг Афғонистонга ажратган инсонпарварлик ва иқтисодий ёрдами қарийб 1 млрд. 800 млн. еврони ташкил этди. Афғонистоннинг Марказий Осиё республикалари билан чегараларини мустаҳкамлаш орқали Европа Иттифоқи минтақамиз хавфсизлигини таъминлашга ҳисса қўшиб келмоқда. Ўз навбатида, Ўзбекистон Афғонистонда тезроқ тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш истагини билдирибгина қолмай, ушбу мамлакатга халқаро инсонпарварлик ёрдамини етказиб бериш ва миллий иқтисодини тиклаш ишларида фаол иштирок этиб келмоқда. Шу боис, Европа Иттифоқининг нуфузли сиёсий арбоби Афғонистон иқтисоди ва инфратузилмаларини тиклаш борасида Ўзбекистон илгари сураётган аниқ тақлиф ва лойиҳалар ҳамда амалий сай-ҳаракатлар учун мамлакатимиз Президентига ўз минтақорчилигини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Европа Иттифоқи ташкилотининг бош қароргоҳи — Брюсселга ташрифи давомида Европа Иттифоқининг делегациясини таъсис этиш тўғрисида шартнома, Молиявий ва техник лойиҳаларни амалга ошириш бўйича меморандум, Энергетика соҳасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум каби бир қатор шартномавий ҳужжатлар имзоланди.

Шундай бўлса-да, ушбу меморандум ва ташриф чоғида имзоланган бошқа ҳужжатлар Европа Иттифоқи мамлакатларининг энергетика манбаларига бўлган ҳаётӣ эътиҳини қондиришга қатнаш хизмат қилиб қолмай, балки бугунги кунда европаликлар томонидан «қўшниларимизнинг қўшинлари» деб аталаётган Марказий Осиё давлатлари, хусусан, Ўзбекистон билан ўзаро тенг ва манфаатли ҳамкорлик алоқаларининг ривожига янада кенгроқ қўлаш ва туртки беради.

Шунингдек, у энг асосийси, технологияларнинг сўнгги ютуқлари асосида қайта жиҳозланган бу энгил машиналар ол-

ламасига ўтказиш туфайли атроф-муҳитга ташланмалар чиқаришни тўрт баробарча камайитириш билан бирга, дизель ёқилғисини 70 фоизгача тежаб қолиш имкониятини беради.

Самарқанд автомобил заводида ишлаб чиқарилаётган автобуслар, дизель билан ишловчи юк машиналари, қишлоқ хўжалик техникалари янги технологияга ўтказилиб, дастлабки ва самарали қадамлар ташланди. Айни пайтда мамлакатимиз вилоятларида худди шу технология асосида жиҳозланган дизель билан ишловчи ўнлаб автобуслар, «MAGNUM» русумли ер ҳайдаш тракторлари кам харажат билан экологик ҳолатта салбий таъсир қўрқатмаган ҳолда ишлаётгани лойиҳа истиқболли эканини кўрсатади.

Таштемир ХУДОЙҚУЛОВ

2011 йил — Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили



Сарҳоқ АБДУРАСУЛОВ олган сурат.

Сифатли маҳсулотлар

■ Тадбиркорлик субъектларининг эркин фаолият кўрсатиши учун яратилаётган кенг имкониятлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни ривожлантиришда, аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш ҳажмини оширишда ўзининг юксак самаларини бермоқда.

Сурхондарё вилоятининг Жарқўрган туманидаги «Ўзбекистон» хусусий корхонасида замонавий технологиялар ёрдамида кунига 600 литр суг қайта ишланади. Ўндан ортиқ ишчи-

хизматчи меҳнат қилаётган корхонанинг қаймоқ, қатиқ, сузма, йогурт, сметана сингари маҳсулотлари савдо-дўконлари орқали истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Хушхабарлар

Қўшрабда ҚВП ишга тушди

■ Туманнинг Саксончел қишлоғида замонавий қишлоқ врачлик пункти ишга туширилди.

Шу тариха Чорлоқ, Қирқоғул, Болтамин, Саксончел қишлоқларида истиқомат қилаётган 5 мингдан ортиқ аҳоли тиббий хизмат учун олис туман марказига катланшдан халос бўлди.

«Баркамол авлод йили» давлат дастурига кўра, Жун қўрғончасида ҳам оз қатновга мўлжалланган ҚВП қуриб, фойдаланишга топширилди, — дейди туман тиббиёт бир-

лашмаси бош врачлари Мустафо Сирлибоев. — Жорий йилнинг илк кунларида фойдаланишга топширилган Саксончел ҚВПсида 12 нафар шифокору ҳамширалар фаолият қуритмоқда.

Ҳозир бу қишлоқ врачлик пунктига «Саломатлик-2» лойиҳаси бўйича 7,5 миллион сўмлик замонавий тиббий асбоб-ускуналар келтирилди. Абдували ХУДОЁЕВ

Томдибулоқда замонавий уйлар

■ Қизилқум кенгликларига жойлашган Томди ва Учқудуқ туманларидаги саннатчилар ҳамда қоракўлчиларга янги қурилган уйларнинг қалитлари топширилди.

Айниқса, Томдибулоқ чорвадорларининг хурсандчилиги чексиз. Чунки олис чўл шароитида бўлса-да, табиий газ, электр энергияси ва тоза ичимлик суви билан таъминланган, пишқ гишдан қурилган 10 та коттеж ўз эгаларига топширилди.

— Кейинги олти ой давомида Қизилтепа туманининг «Малиқобод», Кармана туманининг «Ҳазора», «Маданият», «Нарпай», Қонимех туманининг «Шўрқўл», Навбахор туманининг «Башработ» ҳамда Нурота шаҳрида кўплаб ҳовли тўйлари бўлиб ўтди. 2011 йилда вилоятда 490 та замонавий турар-жой бинолари бунёд этилади.

Музаффар ШАРОПОВ

Иш билан таъминланди

■ Қоракалпоғистон Республикасида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш кундан-кунга яхшиланмоқда.

Қишлоқ ва овуларда янги гузарлар барпо этилмоқда, бу ерда рўзгор бююмлари, гилам, палас тўқиш, бичиш-тиқиш каби юмушлар бўйича аҳолига хизмат кўрсатишмоқда. Хусусан, Кегейли тумани аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхонасида бундай хизматнинг 17 тури

бўйича малакали иш олиб борилмоқда. Тумандаги Ақтуба овул фуқаролар йиғини ҳудудида янги бичиш-тиқиш цехи очилди ва шу ҳисобдан 21 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.

Рейимбой ЕСИМБЕТОВ

Янгилик

Энди юртимиздаги автотранспорт воситалари

экологик тоза метан ёқилғиси билан ишлайди

■ Куни кеча пойтахтимиздаги «Марказий» меҳмонхонасида Ўзбекистон Республикаси савдо-саннат палатаси ва Ўзбекистон экологик ҳаракати ҳамда «Gazatig-Pro» масъулияти чекланган жамият ҳамкорлигида Осиё бўйича замонавий технологиялар асосида ҳамда экологик жиҳатдан тоза метан ёнилғиси билан ишлайдиган «Spark», «Matiz», «Damas», «Nexia», «Lacetti», «Erisa» русумли автомобилларнинг тақдими бўлиб ўтди.

Бу лойиҳани ҳаётимизга татбиқ этишда Ваэирлар Маҳкамасининг 2007 йил 10 февралдаги «Автомобиллари газ билан тўлдириш компрессор станциялари ва автомобилга газ қўйиш станциялари шохобчаларини ривожлантириш ҳамда автотранспорт воситаларини сўлатирилган ва сиқилган газга босқичма-босқич ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

— Хориж тажрибасидан маълумки, автомобилларда замонавий технологияни қўллаш экологик жиҳатдан безарар, соғлиқ учун мутлақо хавфсиз, муҳими, иқтисодий жиҳатдан фойдалонди, — деди тақдими маросимида сўзга чиққан «Gazatig-Pro» масъулияти чекланган жамият директори Амир Урисов. Шунингдек, у энг асосийси, технологияларнинг сўнгги ютуқлари асосида қайта жиҳозланган бу энгил машиналар ол-

динлари Евро-1, Евро-2 стандартига жавоб берган бўлса, бу янгилик туфайли энди Евро-3, Евро-4, ҳатто Евро-5 талабларига ҳам бемалол жавоб бериши таъкидлаб ўтди. Шу билан бирга, бу янгиликнинг мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган автомобилларда қўлланилиши атроф-муҳит ифлосланишини 69 фоизга камайитириди ва экологик мусалфолликни таъминлайди.

Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, аънавий ёқилғида ишлайдиган транспорт воситаларидан чиқадиган чиқиндилар микдори атмосферага чиқариладиган зарарли моддаларнинг қарийб 70 фоизини ташкил этаркан. Мазкур гоянинг аҳамияти шундаки, бу лойиҳани рўёбга чиқариш натижасида дизель билан ишловчи автомобиллар ва қишлоқ хўжалик техникаларини газодизель мос-

ламасига ўтказиш туфайли атроф-муҳитга ташланмалар чиқаришни тўрт баробарча камайитириш билан бирга, дизель ёқилғисини 70 фоизгача тежаб қолиш имкониятини беради.

Инсон хотираси азиз

Янги йилнинг 21 январь санасини интизорлик билан кутдим. Агар онам ҳаёт бўлганида шу куни юз ёшга кирган бўларди. У яқин ўтмишнинг суронли йилларида яшади. Ҳаётнинг бешафқат зарбаларига ҳам учради. Бироқ унинг метиндек мустақкам иродаси синмади, қадди букилмади. Аксинча, бутун ҳаётини илм-фанга, ёшларнинг таълим-тарбиясига бағишлади.

Таниқли тарихчи олим, фан ва таълим фидойиси Фотима Йўлдошбоевнинг қизи Зухра Ганиева шундай хотирлайди.

Ибратли ҳаёт йўли

Фотима Йўлдошбоева Фарғонада туғилган. Мактабни битиргач, шу ердаги ўқитувчилар билим юртига ўқишга кирди. Уша пайтдаги Фарғона ўқитувчилар олий ўқув юртининг тарих бўлимида таҳсил олди. Бир муддат шу ерда талабаларга мазкур фандан сабоқ берди.



Илм фидойиси бўлган бу инсон 1965 йилдан яна ҳозирги ЎзМУ шарқшунослик факультетига иш бошлади. Афғонистон, Хитой мамлакатлари тарихи бўйича бир қатор монографиялар нашр эттирди. Кўплаб шогирдларни камолга етказди. Илм-фан та-

1946 йилда у ҳозирги Ўзбекистон миллий университети аспирантурасини тугатди. Фан номзоди бўлди, доцентлик унвонини олди.

Кейинроқ, умрининг охиригача Ўзбекистон Миллий университети шарқ факультетига (ҳозирги Тошкент давлат шарқшунослик институти) талабаларга дарс берди.

— У киши меҳри дарё, ширинсўз, шу билан бирга, талабчан ва ҳаққий аёл эди, — дейди, Тошкент давлат шарқшунослик институти профессори Темур Ғиёсов. — Барчага бирдек яхши муомала қилар, биз шогирдларини ўзининг фарзандидек кўрарди. Ўзбек ёшларини нафақат илм-фан, балки барча соҳада дунёда етакчи ўринларда кўришни истарди. Бунинг ўзимизга ҳам бот-бот тақдорлар айтарди.

Уша пайтдаги Тошкент чет тиллари олий педагогика институти ректори лавозимига фаолият юритди. Бу ерда ҳам ўзининг билими, фаоллиги ва фидойилиги билан барчада илиқ таассурот қолдирди. Ҳеч кимдан ёрдамини аямасди. Унинг ташаббуси билан институтида испан тили факультети ташкил қилинди.


Олимнинг ҳаёти доим ҳам осон ва силлиқ кечмади. Шифокорлар унга тайёр бўлган докторлик диссертациясини химоя қилмаслигини маслаҳат берди. Унинг «Ҳаётим лаҳзалари» номли хотира китобида бу ҳақда батафсил ҳикоя қилинган.

Дилшоод НАРЗУЛЛАЕВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Спорт

VI қишки Осиё ўйинлари

1 февраль куни тантанали равишда очилади



Қитъамизнинг мазкур нуфузли мусобақаси ҳар тўрт йилда уюштирилади. Агар мусобақалар тарихига назар ташласак, қишки Осиё ўйинлари илк мартаба 1986 йили Япониянинг Саппоро шаҳрида ўтказилган. Шундан бери ўтган бешта мусобақага Саппоро (1992), Харбин (Хитой, 1996), Кангвон (Жанубий Корея, 1999), Аомори (Япония, 2003), Чангчун (Хитой, 2007) шаҳарлари мезбонлик қилган. Мамлакатимиз спортчилари 1996 йилги баҳслардан бошлаб юртимиз шарофтини ҳимоя этиб келишмоқда.

Бу йилги қишки Осиё ўйинлари Қозғистоннинг Остона ва Алматы шаҳарларида бўлиб ўтади. Унда қитъамизнинг ўттиздан зиёд давлатлари вакиллари голиблик учун майдонга чиқишади. Бир ҳафта давом этадиган бу мусобақада беш минг нафарга яқин спортчи ўн бир спорт тури бўйича 69 комплект медаллар шодаси учун кураш олиб боради.

Миллий Олимпия кўмитамиздан олинган хабарларга қараганда, VI қишки Осиё ўйинларида сақиз нафар ҳамюртимиз Ватанимиз шарофтини ҳимоя қилади. Мурабийлар Вячеслав Стенин ва Андрей Воронов бошчилигида Ксения Григорьева, Светлана Борисова, Дмитрий Бабинов ҳамда Артём Воронов тоғ чангиси бўйича ўтказиладиган мусобақаларда омадларини синая кўришади. Муз устида нафис учин баҳсларида мутахассислар вакилларимизга катта ишонч билдирилган. Унда ҳамюртларимиздан Миша Ге ва

Анастасия Гимазетдинова медаллар учун баҳсларга киришади.

— Кейинги йилларда мамлакатимизда биатлон спорт тури жадал ривожланмоқда, — дейди мурабий Сергей Серебряков. — Унда юртимизнинг энг тажрибали спортчилари Мурод Ҳожиев ҳамда Анзур Юнусов голиблик учун кураш олиб боради. Бу спортчиларимизнинг охириги йилларда қатор нуфузли халқаро турнирларда кучлироқ қатордан жой олганликлари уларга катта ишонч билдиришимизга асос бўлади.

Эслатиб ўтамиз, қишки Осиё ўйинлари дастуридан конькида югуриш, муз устида нафис учин, тўпли хоккей, биатлон, хоккей, чанги пойгаси, тоғ чангиси, фристайл, трамплиндан чангида сакраш каби турлар жой олган. Мусобақанинг тантанали ёпилиш маросими эса 6 февраль куни Алматыда бўлиб ўтиши белгиланган.

Эркин ХОЛБОБОВ

Футбол

Кутилмаган мағлубият

28 январь куни XV Осиё чемпионатида Ўзбекистон миллий терма жамоаси бронза медали учун бўладиган учрашувда Жанубий Корея футболчиларига қарши майдонга тушади.

Қатар яшил майдонларида давом этаётган Осиё чемпионати ярим финал учрашувлари мухлисларга чинакамига кутилмаган натижаларни туҳфа қилди. Дастлаб майдонга Япония — Жанубий Корея терма жамоалари чиқишди. Унда жанубий корейликлар рақибларига нисбатан фаолроқ ҳаракат қилишган бўлишса-да, учрашувнинг асосий ва қўшимча вақтида томонлар мурося йўлини танлашди — 2:2. Натижада биринчи финалчи пенальтилар сериясида аниқланди. Ҳайрат-

ланарлиси, унда қитъамизнинг етакчи жамоаларидан бири саналган Жанубий Корея вакиллари рақиб дарвозасини бирор марта ҳам аниқ нишонга ололмади. Яқинда кунчиқар юрт футболчилари пенальтилар бўйича 3:0 ҳисобида зафар кучишди.

Ярим финалнинг иккинчи учрашувини (Ўзбекистон — Австралия) ҳам кутилмаган ҳисоб қайд этилди. Бу мағлубият сабаблари ҳақида ҳали мутахассислар фикр билдиришади. Аммо жароҳати туфайли

тажрибали дарвозабон Игнатий Нестеров, ҳужумчи Александр Гейнрихнинг майдонга тушмагани, Улугбек Бақоевнинг майдондан четлаштирилиши ҳам жамоамиз ўйини султайлашига сабаб бўлди, албатта.

Вадим АБРАМОВ, Ўзбекистон миллий терма жамоаси бош мурабийи: — Ҳеч бир ўйинчини айбломочи эмасман. Мағлубият учун бор масъулиятни ўз зиммамга оламан. Бундай ўйинни асло кутмаган эдим. Шогирдларим майдонда жуда қўйибди. Биз уларни ўрганиб чиқамиз. Олдинда яна битта қийин учрашув кутиб турибди. Жанубий Корея футболчиларига қарши

бронза медали учун майдонга тушамиз. Ўйланманки, ўша учрашувда галаба қозониб, мухлислар олдидаги айбимизни ювамиз.

Лукас НЕЙЛ, Австралия миллий терма жамоаси сардори: — Ўзбекистон футболчиларидан бундай ўйин кутмаган эдик. Чунки бугунги рақибимиз чемпионатдаги энг чиройли ўйин кўрсатаётган терма жамоа эди. Ушбу учрашувда биз майдонда тартиб-интизомга қаттиқ эътибор бердик. Рақибга ўйин бермасликка ҳаракат қилдик.

Дарҳақиқат, ҳамюртларимизнинг қайд этган ушбу натижаси мухлисларимизни қаттиқ ран-

ЭЪЛОН

Общество с ограниченной ответственностью «Chirchiq STEMР», расположенное по адресу: Ташкентская область, г. Чирчик, ул. Кангли, 16а, зарегистрированное хокимиятом города Чирчика 22 октября 2008 года под/ресстровым № 3181, объявляет об уменьшении уставного фонда.

Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня объявления по адресу: Ташкентская область, г. Чирчик, ул. Кангли, 16а.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзо-си Саидислом Сайдуллаевга синглиси

БАРНОХОНнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Asian Cup QATAR 2011

житди. Аммо бундай нуфузли мусобақада ярим финалга йўлланмани кўлга киритишнинг ўзи катта муваффақият.

Энди 28 январь куни Осиё чемпионатининг бронза медали учун Жанубий Корея — Ўзбекистон терма жамоалари ўзаро куч синашади. Орадан бир кун ўтиб, Япония — Австралия футболчилари навбатдаги Осиё чемпиони номини аниқлаб беришади.

(Ўз мухбиримиз.)

ЎзХДП: электорат манфаати

118 миллион 732 минг сўмдан ортиқ пенсия ва нафақа пуллари

Бойсун тумани почта алоқа тармоғи бир гуруҳ ходимлари томонидан талон-торож қилинганлиги ҳақида

Кейинги йилларда Бойсун туман почта алоқа тармоғида талон-торожлик туп қўйиб, палак ёзди. Одамлар орасида эса «Почта нафақа ва пенсия пулларидадан уриб қолаётган экан» деган миш-миш гаплар тарқалди. Ҳақиқатан, 2005-2010 йилларда бу ердаги қинғирликларни эшитган киши ёқасини ушламай иложи йўқ. Халқнинг мулкига кўз тиккан жиноий гуруҳ беш йил давомида миллионларни турли йўллар билан ўзлаштириб юборган. Бу давлат бюджетига кўп миқдорда зарар етказиши баробарида, аҳолида ҳақли норозиликларни келтириб чиқарган.

Туманда 18 та алоқа бўлими мавжуд бўлиб, 800 нафарга яқин кишига пенсия ва нафақа пуллари тарқатиб келинган. 2005 йилда почта алоқа бўлими бошлиғи Ҳикмат Шарипов ижтимоий химояга муҳтож қатлам вакилларига тарқатилган бюджет маблағларидан 0,2 фоиздан ушлаб қолишни «жорий» қилади. Кейинчалик бу хуфиёна «ихтиро»дан келаётган

текин даромад уни мазаҳурак қилиб қўйди.

Сурхондарё вилоят ижтимоий таъминот бошқармасининг 2010 йилдаги 53-маълумотномасида қайд этилишича, Ҳикмат Шарипов 2005-2010 йилларда 93 миллион 991 минг 332 сўм пенсия ва нафақа пуллари нима сансаб сохтакорлиги, фарзандларнинг ва қинғирлик йўли билан ўмарган. Ўзга билмас,

«ҳиди» чиқмас қабилида иш кўрган раҳбар аввалига пухта режа тузади. Аста-секин атрофига шериклар тўплаб, ишга киришади. У жорий қилган тартибга кўра, нақд пулдан ҳар ойда 0,2 фоизи тармоқ касса ходими М.Мустафоевга қолдирилади. Бу «усул» раҳбарга анча қўл келди. Хужжатларга эса тўловлар рисоладагидек амалга оширилгани қайд қилиб борилади.

— 2010 йилнинг январь ойида нафақа учун банкдан 1 миллиард 460 миллион сўмдан ортиқ пул олинган бўлса, шунинг 0,2 фоизи — 2 миллион 820 минг сўмини Ҳикмат Шариповга берганман, — дейди касса ходими М.Мустафоев. — Уни қайси мақсадларга ишлатганидан хабарим йўқ... — Беш йил иш шу тахлит давом этди, — дейди почта ходими Э. Холмуродов. — Агар 0,2 фоиз пулни ташлаб кетмасак, Ҳикмат Шарипов вазирамиздан

четлатишини айтиб кўриқтарди. Бу эса нафақа ва пенсия олувчиларнинг қонуний ҳақидан уриб қолишига олиб келарди.

Қинғир ишлар макони бўлган маскандан нафси ҳақалак отганлардан яна бири почта хавфсизлиги хизмати техниги Панжи Бозоровдир. Юлғичликда ўз раҳбаридан қолишмайдиган бу ходим бўлим бошлиғи ва хабарчилар иш фаолиятидан камчилик топшиш, уларни ишдан бўшатишга асос бўладиган хужжатлар тўплаш билан шуғулланиб келган. 2003-2009 йилларда бўлимларда 143 марта текшириш ўтказилган бўлса, алоқа бўлими бошлиқларидан жами 8 миллион 287 минг 400 сўм таъмағирлик билан олинган. Ўзгадан, камомадни қоплаш яна пенсионерлар чекига тушган.

— Панжи Бозоров бир йилда икки марта текширишга келарди, — дейди почта ходими А. Сувонов. — Рўйхатдагилар-

нинг ҳар биридан 100 сўмдан йиғиб бермасак, бошимиз галвадан чиқмаган...

«Сайроб» алоқа бўлими бошлиғи вазирамизга ишлаган Музаффар Шоимов ҳам қинғирликларда ҳамтовоқларидан қолишмайди. У ўз ишининг оқибати нимага олиб келишини билса-да, 2010 йилнинг март ойи учун 240 та фуқарога тўлашни лозим бўлган 29 миллион 741 минг 560 сўм пулни хабарчи Абдуҳаким Муллабоев билан ўзаро тил бирик-тирган ҳолда ўзлаштириб юборди. 2010 йилнинг 12-16 апрель кунлари алоқа бўлимида мониторинг ўтказилганда, яна бир фиромликнинг сирини очилди. 795 нафар фуқародан 54 та сизга 7 миллион 729 минг 926 сўм берилмагани фош бўлади... 2009 йилнинг апрель ойида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирилик ходимлари томонидан «Газга» ва «Хамза» алоқа бўлиmlари тек-

ширилганда, талай молиявий камчиликлар аниқланиб, хужжатлар Бойсун туман прокуратурасига тақдим этилади. Камомад бартараф этилган, иш амнистия актига асосан ҳаракатдан тўхтатилган...

Ўзганинг, айниқса, ёрдамга муҳтож кишиларнинг ҳақи ҳеч қон бировга буюрмаган. Бунинг Бойсун туман почта алоқа тармоғи корхонаси ходимлари ўз вақтида ўйлашмаган экан. Ҳикмат Шарипов ва унинг ҳамтовоқлари Панжи Бозоров, Музаффар Шоимов, Абдуҳаким Муллабоевлар бунинг аниқлигида кеч бўлган эди. Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди томонидан гуруҳ аъзоларига тегишли жазо тайинланди.

Ўткир ТОҶИЕВ, Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди судьяси. **Абдумалик ҲАЙДАРОВ,** «Ўзбекистон овози» мухбири.

MUASSIS: Bosh muharrir: safar OSTONOV

TANHIR HAYATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek MUSTAFOYEV	Musihiddin MUHIDDINOV
Latif G'ULOMOV	Tat'yana KISTANOVA	Andrey KUSTOV
Bobir ALIMOV	G'afvor HOTAMOV	Ochilboy RAMATOV
Sharbat ABDULLAYEVA	(Bosh muharrir o'rinbosari)	Saidahmad RAHIMOV
Murodulla ABDULLAYEV		

BO'LIMLAR: Partiya hayoti — 233-10-13; Madaniyat va sport — 233-69-45; Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot — 233-44-55; Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot — 233-12-56; Reklama va e'lonlar — 233-38-55, 233-47-80; Kotibiyat — 233-72-83, 236-55-17.

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonaning manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. O'zbekiston ovozi materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Г — 149 19348 nusxada bosildi.

t — Tijorat materiallari O'zA yakuni — 20.50 Topshirilgan vaqti — 23.55

Sotuvda erkin narxda

Navbatchi: Temur XUDOYBERDIYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

ISSN 2010-7633 1 2 3 4 5